

«Hilol Nashr»da «Болажонлар байрами» тадбири ўтказилди



18:51 / 01 июнь 703

Болалар ҳаётимиз давомчилари, келажагимиз эгаларидир. Уларни асраб-авайлаш, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш ҳар бир давлат, ҳар бир оила, ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчидир.

Бола табассуми – олам безаги. Айниқса, **1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни**да сайёрамиз болажонларнинг самимий ва беғубор кулгуси билан янада яшариб кетади. Бу сана қуёшли диёримизда ҳам ўзгача интиқлик билан кутилади. Азалдан болажон бўлган халқимиз шу куни кундалик ташвишларни бир четга қўйиб, фарзандларини истироҳат боғларию кўнгилочар масканларга олиб боришга ошиқади.

Хусусан, 1 июнь куни «**Hilol Nashr**» нашриётининг мажлислар залида анъанага кириб бораётган, болажонлар учун мўлжалланган «**Болажонлар байрами**» шиори остида тадбир ўтказилди!



Тадбирга адабиётшунос олим, ёзувчи, **устоз Эркин Малик** домла ҳамда **Нозимжон домла Ҳошимжон** меҳмон бўлиб, фарзанди билан келган отоналар учун суҳбат қилиб бердилар.



Бошловчи **Қамариддин Бекмуҳаммад** эса болалар билан ҳам маънавий, ҳам жисмоний ўйинлар ташкил қилиб, болажонларнинг вақтларини унумли ўтказишга ҳаракат қилди.



Тадбир давомида ўтказилган ўйинларда ғолиб бўлган кичкинтойларга эсдалик ҳадялар топширилди.

Манбаларга кўра, ушбу халқаро байрам 1925 йилда Женевада бўлиб ўтган ҳамда болалар фаровонлигини таъминлаш масалаларига бағишланган умумжаҳон конференциясида илк бор эълон қилинган.

